*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 6 (313)
2003 йил 11 ФЕВРАЛ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда


## MEZON:

**Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилади.**

**Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.**

**Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.**

**«ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 18-МОДДА**

Mohiyat

# ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ТАНТАНАСИ



Фан оламида жисмларнинг бир-бирига тортишиш қонуни буюк кашфиёт ҳисобланади. Шу сабабли мактаб кўрган ҳар бир одам ушбу қонундан хабардор десак, асло хато эмас. Лекин унинг мазмунини ким қандай тушуниши — бу бутунлай бошқа масала. Гап шундаки, инсонга бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ, қалб ва руҳ ато этилган. Уларнинг эҳтиёжи эса эътиқодни вужудга келтирган. Албатта, эътиқоднинг моҳияти, аҳамияти ва вазифаси ҳақида узоқ баҳслашиш мумкин. Бу ўринда унинг биргина жиҳати — тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритмоқчимиз, холос. Зеро, эътиқод ўзида эзгулик, инсонпарварлик, одоб-ахлоқ, ишонч сингари буюк ва олижаноб тушунчаларни акс эттиради. У инсонларни яхшиликка, сабр-қаноатга, дўстбиродарлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка чорлайди. Маълумки, ҳаёт ва тараққиётни ишонч олдинга етаклайди. Ишонч эса эътиқод асосидир. Эътиқод том маънода ҳаёт меҳваридир. У одам қалбида ҳаётга муҳаббат уйғотади, қалбида эзгулик уруғларини ундиради. Шу сабабли эътиқод устувор бўлган жамият тараққиётга юз буради. Бунинг акси бўлган жойда эса турғунлик, бузғунчилик, таназзул юзага келади. Бунга собиқ шўро империясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шўро даврида дин ва эътиқод таъқиб этилди, бу эса ўз навбатида жамиятда маънавий бўҳронларни келтириб чиқарди. Охироқибатда эътиқодсиз жамият ҳалокатга учради.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин юртимизда муқаддас динимиз ва миллий урфодатларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни тўлиқ таъминланди. Энг муҳими, мамлакатимизда эътиқод эркинлиги қонун асосида кафолатланди. **“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”**ги Қонун диндорлар ҳаётида эмас, балки жамият маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Чунки ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда динга оид масалалар тўлиқ ечимини топди.

Мазкур қонунда барча фуқароларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва қайси динга эътиқод қўйишидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилиги қонун асосида белгилаб қўйилди. Аниқроқ айтганда, диннинг юксак маданият ва маънавият воситаси эканлиги, беқиёс ахлоқийтарбиявий қудрати, шунингдек, инсонларни камтаринлик, камсуқумлик, ҳалоллик ва покликка ундовчи қадриятлари миллий қадриятлар қаторида қонуний тан олинди.

Шу билан бирга диндан ғаразгўйлик мақсадида фойдаланиш, диний омиллар воситасида сиёсат ва давлат ишига аралашиш каби ҳолатлар қатъиян ман этилди. Бу билан давлат ва дин ўртасида кечадиган муносабатлар аниқ тартибга солинди.

Мусулмонлар ҳаётида қутлуғ саналар ҳисобланган Қурбон ва Рамазон ҳайити кунларини доимий суратда байрам сифатида нишонлаш ва уларнинг дам олиш кунлари деб эълон қилиниши мустақил давлатимиз тарихида алоҳида бир саҳифа очди.

Мустақиллик туфайли давлат мусулмонларга ўзига хос илтифот ва мурувват кўрсата бошлади. Ўзбекистон мусулмонлари бевосита ҳукумат ёрдамида ҳар йили муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эришдилар. Ҳозирга қадар 38 минг нафарга яқин юртдошларимиз ана шу муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб қайтиш шарафига муяссар бўлишди. Шу йилнинг ўзида 6 минг нафарга яқин киши Маккаи Мунаввара ва Мадинаи Мукаррамага сафар қилдилар.

Давлат томонидан амалга оширилаётган бу каби кенг қамровли тадбирларнинг асосий мақсади диний қадриятларини қайтадан тиклаш ва уни янада ривожлантириш, халқимизни маънан юксалтириш ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган.

Диний қадриятларнинг яна бир аҳамияти шундаки, улар миллатлараро можаролар, қонли тўқнашувларни қаттиқ қоралайди, турли дин ва миллатдаги одамларни ўзаро биродар, аҳил бўлиб, тинч-тотув ҳаёт кечиришга даъват этади. Шу каби омиллар ҳисобга олиниб, мамлакатимизда турли миллат вакилларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. Шўро замонида мамлакатимизда бор-йўғи 89 та масжид ва иккита мадраса ишлаган бўлса, ҳозир Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган 1873 дан ортиқ масжид фаолият кўрсатиб турибди.

Шунингдек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ҳам ўзлари эътиқод қилаётган динларида эркин ибодат қилмоқдалар. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 15 турдаги 240 дан зиёд диний ташкилотлар расман фаолият кўрсатаётганини таъкидлаб ўтиш лозим.

**“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”**ги Қонуннинг 9-моддасига биноан Ўзбекистон Мусулмонлар идорасига қарашли Тошкент Ислом институти, “Кўкалдош”, “Мир-Араб” мадрасаси, “Хадичаи Кубро” аёллар диний ўқув юрти каби 11 та диний ўқув юртида фуқаролар таҳсил олишмоқда. Булардан ташқари, Рус Православ черковининг Тошкент ва Марказий Осиё Епархиясининг Тошкент рус православ семинарияси ҳамда Ўзбекистон Тўлиқ Евангел-Христианлар марказининг Самарқанд протестант диний семинарияси ҳам ишлаб турибди.

Бугун мусулмон оламида Қурбон ҳайити катта байрам сифатида нишонланади. Бу маросим эътиқод эркинлиги ва мустаҳкамлиги, одамларнинг бир-бирига ҳурмат-эҳтироми, биродар ва ҳамкорлиги рамзидир. Мақоламиз бошида Исаак Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни ҳақида тўхталган эдик. Мазкур қонун коинотдаги жисмларни жипслаштириб турса, эътиқод инсонларнинг қалбини бир-бирига яқинлаштиради. Шу маънода бугунги байрамни эътиқод тантанаси деб атасак, адашмаган бўламиз. Эътиқодингиз мустаҳкам, иймонингиз бутун бўлсин, азиз юртдошлар!

**Холли НОРБОЙ**




☑ *7 феврал куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти, мазкур кенгаш раиси Ислом Каримов бошқарди.*

☑ *Вазирлар Маҳкамасининг “Обод маҳалла йили” дастури тўғрисидаги қарори эълон қилинди.*

☑ *Вазирлар Маҳкамасининг Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унда 2003 йил 11 феврал дам олиш куни деб белгиланиши ва мамлакатимизда байрам сифатида нишонланиши қайд этилган.*

☑ *Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.*

☑ *Интернетда “Ўзбек адабиёти” сайти очилди.*

☑ *“Экосан” халқаро жамғармасида «Обод маҳалла йили»га бағишланган “Маҳалла ободлиги ижтимоий-экологик ўлчамларда” мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.*

☑ *Тойлоқ туманида “ТОНИ-ГРЕЕН” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади.*

☑ *Мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонаси биносида “Дунё болалар нигоҳида” номли болалар расмлари кўргазмаси очилди.*

☑ *9 феврал куни ҳазрат Алишер Навоийнинг таваллуди муносабати билан мамлакатимизда шоир хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.*

Taklif

# АЛОҲИДА МОДДА КИРИТИЛСА...

## У ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИ ЯНАДА ТЎЛДИРАР ЭДИ

**Маълумки, қонун ижодкорлиги узлуксиз жараён ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, давр ўтиши билан ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви ва ўзгариши натижасида ҳар қандай қонунга ҳам баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурати юзага келади. Амалиёт ижтимоий хавфли тусга эга бўлаётган айрим қилмишларга жиноий-ҳуқуқий тус беришни тақозо этмоқда. Бу эса уларни Жиноят Кодексига алоҳида моддалар сифатида киритиш лозимлигини кўрсатади. Бунга журналистларнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини бузиш каби қилмишларни киритиш мумкин. Мисол тариқасида журналистларнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги масаласини олиб кўрайлик. Фикримизча, журналистларнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш мамлакатимизда ва дунё миқёсида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг туб моҳиятининг ёритилишига йўл қўймаслик, зарур ахборот ва маълумотларни (давлат ва ҳарбий сирлардан ташқари) йиғиш, тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишга оид ҳуқуқларни бузиш орқали Бош қомусимиз бўлган Конституциямиз муқаддимасида белгиланган демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек олий ғояларнинг амалга оширилишига бевосита таъсир кўрсатади.**

**Фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини бузиш қилмиши ҳам бир қатор фаол хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин. Жумладан, шахснинг оилавий ёки шахсий сирини оммавий равишда эълон қилиш шахсга оғир маънавий азоб ва моддий зарар етказилиши мумкин. Шу сабабли бундай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноийҳуқуқий баҳоланиши фуқаролар ҳуқуқларининг бузилишини олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Санаб ўтилган қилмишларнинг Жиноят Кодексига алоҳида модда сифатида киритилиши, фикримизча, фуқароларнинг Конституция билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини, тинчлик ва хавфсизликни янада самаралироқ ҳимоя қилишга, жамиятдаги адолат тарозисининг бузилмаслигига ҳуқуқий замин яратади, деб ўйлаймиз.**

**Ойбек ИЗЗАТОВ,**
**Акбар ВОҲИДОВ**

Qaror va ijro

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА!

Мамлакатимизда жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳамда аҳамиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қонунлар ижросини таъминлаш, уларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати кучайтирилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган **“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, мазкур қарор қабул қилинганидан сўнг мамлакатимиз бўйлаб истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бел боғлаган юзлаб жамоат ташкилотларига асос солинди. Истеъмолчи ҳуқуқи ва маданияти ҳимояси билан боғлиқ улкан ҳаракат янада кенгаймоқда.

Ҳозиргача 7660 маҳалла, 755 уй-жой ширкати, 333 бозорда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таянч пунктлари ҳамда 210 туман ва шаҳарда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари тузилди. Ушбу таянч пунктлари ва жамиятларни бирлаштириб турувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирлашмалари ташкил этилди. Эндиликда бу тизим Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси томонидан бошқарилади.

Айтиш жоизки, мазкур федерация даставвал, 1997 йилда туман миқёсида ташкил этилган кичик жамият эди. Кейинчалик ҳаёт тақозосига кўра, унинг фаолияти кенгайиб борди. Бугунги кунгача, федерация томонидан аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Кейинги икки йил мобайнида истеъмолчиларнинг қарийб юз миллион сўмлик маблағини қайтариб олишига кўмаклашилди. Эндиликда бу ҳаракат мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйилиб, ҳозирда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспертиза департаменти ҳам ташкил этилди.

Савдо шахобчалари, хизмат кўрсатиш тизими, тиббиёт каби тармоқларнинг кейинги йилларда жадал ривожланиши асносида айрим ҳолларда сифатсиз хизмат кўрсатиш, инсон соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар савдосининг пайдо бўлиши кузатилди. Бу эса жойларда истеъмолчи ҳуқуқларини қатъий ҳимоя этишни, истеъмол маданиятини кескин оширишни талаб қилади.

Шу боисдан бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат ишлари кучайтирилди. Аммо соҳада ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва ҳал этилишини кутаётган муаммолар кам эмас.

Шунинг учун ҳам истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириш мақсадида қабул қилинган юқорида таъкидланган қарорнинг 8-бандида, шунингдек, унинг бажарилиши юзасидан тасдиқланган иш режасида адвокатлик идораларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, адвокатлик идораларининг истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шаҳар ва туман жамиятлари билан ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилади.

Ҳозирги кунда мазкур қарор ва назорат иш режасини бажарилишини таъминлаш мақсадида адвокатлар ҳайъати, бюро ва фирмалари аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг ҳудудий бўлимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасида адвокатлар ҳайъати раёсаи, адвокатлик фирма ва бюролари раҳбарлари ҳамда Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вакиллари иштирокида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда маслаҳатхонаарда адвокатларнинг навбатчилик жадвали ташкил этилишига келишиб олинди. Эндиликда мамлакатимизнинг барча туманларидаги ҳуқуқий маслаҳатхоналарида истеъмолчиларга ҳуқуқий кўмак кўрсатилади.

**Анвар ҚЎЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

# “ИНСОН ва ҚОНУН”га

## ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

**Газетада чоп этилган “Осон бузилди, бироқ...” сарлавҳали мақола Термиз шаҳар ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатдан ҳам, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш жараёнида шаҳардаги тижорат бозорини реконструкция қилиш кўзда тутилган эди. Чунки бозор ҳудудидаги дўконлар қурилиш услуби, ишлатилган материаллари ва кўримсизлиги билан замонавий архитектура талабларига жавоб бермас эди. Шунинг учун шаҳар ҳокимлигининг 2000 йил 7 июлдаги 816-сонли қарори қабул қилиниб, бозордаги реконструкция ишлари амалга оширилиши режалаштирилган эди.**

**Қарорга биноан бузилиши кўзда тутилган дўкон эгалари ўзларига тегишли биноларни қуриш учун кетган сарф-харажатларини шаҳар бинолар, иншоотлар ва Давлат ер кадастри бошқармаси томондан тузилган нархлаш далолатномасига биноан олишлари лозим эди. Бу ҳолда, амалдаги тартибларга биноан, бузилаётган дўконлардан чиққан яроқли қурилиш материаллари ушбу қурилишга буюртмачи этиб белгиланган “Марказий бозор” томонидан кирим қилиниши керак эди.**

**Лекин аксарият дўкон эгалари нархлаш далолатномасида кўрсатилган нархлар паст эканини, аслида дўконларни қуриш учун ишлатилган қурилиш материаллари бир неча баровар қимматлигини важ қилишиб, бузилиши кўзда тутилган дўконларни ўзлари бузиб олишлари ва қурилиш материалларини олиб кетишлари ҳақида келишиб олишди. Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган қарорга биноан назарда тутилган тўловлар “Марказий бозор” томонидан амалга оширилмади. “Барчиной” бозор ҳудудида амалга оширилган реконструкция ишларида эса шаҳар ҳокимлигининг 2001 йил 24 феврал кунидаги 231-сон қарорига биноан дўкон эгаларининг ўзлари буюртмачи сифатида эътироф этилган бўлиб, кўримсиз ва санитария талабларига жавоб бермайдиган дўкон эгалари ўз кучи билан дўконларни бузиб олиши, бузилган дўконлар эгаллаган ер майдонлари уларнинг ўзларига тегишли тартибда расмийлаштириб берилиши ва ушбу ер майдонларида бузилган дўкон эгалари томонидан янги замонавий, барча талабларга жавоб берадиган янги дўконлар қурилиши кўзда тутилган эди.**

**Ҳақиқатдан ҳам, дўкон эгалари томонидан ушбу жараён қарорда назарда тутилган ҳолатда амалга оширилди, яъни дўкон эгалари ўзларига тегишли бўлган кўримсиз дўконларни бузиб олишиб, ўрнига янги дўконлар қуришди. Шунинг учун ҳам амалдаги тартибларга биноан уларга ҳеч қандай маблағ тўланиши керак эмас.**

**Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, ушбу масалалар юзасидан шаҳар ҳокимлигига мурожаат этган ҳар бир фуқаронинг аризалари эътиборсиз қолдирилмаган ва унинг мулкий манфаатлари амалдаги талабларига биноан ўз ечимини топиб келган.**

**А. ЧОРИЕВ,**
**Термиз шаҳар ҳокими**

*Инсон бошига бир мусибат тушгандан кейингина кўзи очилиб, қайси айбим, гуноҳим учун бу балога йўлиқдим, дея бирдан жиддий тортади. Бироқ қанчалик ўйламасин, бунинг боиси не эканини англай олмайди. Чунки ўзини айбдор қилишга ўзида жиддийроқ сабабни топа олмагандан кейин бошқаларни айбдор қилишга ўтади. «Ҳа, энди билдим, фалончи менга шундай демаганида, ҳамма ишларим силлиқ ва равон кетаётган эди. Қаердан ҳам унга учрадим, шу балога йўлиқиб ўтирибман», деган нотўғри фикрга бориб, хато қилганини сезмайди. Унинг оғирини енгил қиламан деб яхшилик қилишга уринган кишини ноҳақ айблайди. Бу ўринда ўша таниши ҳам мутлақо айбдор эмас, дейиш қийин. Лекин чуқурроқ мулоҳаза юритилса, ким бўлса ҳам, аввало айбни бошқалардан эмас, ўзидан излагани маъқулроқ.*

# ТИЛДАГИ ОФАТ

Инсон табиати ва хулқ-атвори шу қадар мураккабки, унга яхши хислатлардан кўра ёмон ва қабиҳ хислатлар тез таъсир қилади. Энг ачинарлиси, бундай хислатларга нисбатан кўникма ҳосил қилинса, бундан-да ёмони йўқ. Чунки ён-атрофдаги одамлар ҳам жирканч ва қабиҳ иллатни одатий қабул қилиб, буни ўз ҳаётлари учун унчалик хавфли санамайдиган бўлса, борабора бу ёмонлик газак олган ярадай инсон руҳияти ва қалбини касаллантиради.

Бинобарин, бировни ғийбат қилиш ҳам шундай ярамас ва хунук амал. Кўпчиликнинг қайси ҳолатда ғийбат бўлиши, оддий гап-сўздан уни фарқлай олмасликлари ёки бунга етарли қадар аҳамият бермасликлари жуда ачинарли ҳол бўлиб, бундан фақат ўзларига зиён етади, холос.

Дарвоқе, миш-миш билан ғийбатни бир-бирига яқин қариндош дейиш мумкин. Бирон маҳалла ёки қишлоқда бир киши тўғрисида миш-миш тарқайдиган бўлса, аввалда рост бўлган хабар оғиздан оғизга ўтган сайин "оз-оз"дан қўшилиб боради. Мабодо буни ўша одамнинг ўзи орқаворотдан эшитиб қолса, ҳайратдан ёқа ушлайди. Айниқса, хотин-халаж миш-мишга шунчалик устаки, рост ёки ёлғон хабарга билдирмасдан "ёнидан" қўшганда ишонмасдан бошқа чора топмайсиз. Шундай экан, ғийбат аслида нима эканини ва унинг мудҳиш оқибатлидан олдиндан огоҳ бўлинса, инсон ўзи кутмаган тарафдан дуч келган хавф-хатарни тўғри англайди ва ундан сақланиш чораларнигина излайди. Биринчидан, беҳуда гап-сўздан сақланилса, иккинчидан, бошқа бир кишининг дилини ранжитмаслик ва унинг ҳақ-ҳуқуқига тажовуз қилиш ҳолати юзага келмайди. XVII аср француз ёзувчиларидан бири ғийбат қилиш хусусида шундай деган экан: "Одамлар одатда бировга ёмонлик тилаб эмас, балки шуҳратпарастликлари учун ғийбат қиладилар". Айрим мўътабар манбаларга мурожаат қилинса, қай вақт ва қай ҳолатда ғийбат ҳосил бўлиши муфассал баён қилиб берилган. Ғийбатнинг белгиси шуки, бир киши хусусида гап очилганда ундаги мавжуд айб-нуқсон тилга олиниб, ўша киши эшитганда хафа бўлса, ғийбат қилинган бўлади, агар ундаги йўқ сифат тилга олинса, ўша кишига туҳмат қилинган бўлади. Шундан ҳам кўринадики, зоҳиран олганда ғийбат ярқ этиб кўзга ташланавермайди. Яъни оддий гап-сўздан уни фарқлаб олиш осон эмас. Оллоҳ таоло Қуръони Каримда ғийбатчини яқин биродарининг гўштини еган киши билан баробар санаган ва иймонли кишиларни ғийбат қилишдан мутлақо қайтарган. Чунки инсоннинг қони ва моли бошқага ҳаром бўлганидек, унинг обрўсини тўкиш ҳам худди шундай ҳаром қилинган. Ғийбат қилиш ана шу обрўни тўкиш билан боғлиқ.

Чунончи, бошқа гуноҳ амалларни қилган киши тавба қилса, кечирилса, ғийбатчини ғийбат қилинган киши кечирмагунча асло кечирилмас экан. Мисол келтирадиган бўлсак, фалончининг кийими калта ёки узун, фалончининг бўйи калта, гавдаси бесўнақай, деган лафз қўлланса ҳам ғийбат ўрнига ўтади. Шунинг учун ҳам ғийбатдан сақланиш жуда қийин ва мушкул. Ривоятлардан бирида айтилишича, бир пакана хотин Пайғамбаримиз олдиларига кирди. У хотин чиққандан кейин ҳазрат Ойиша "Шунчалик бўйи калта экан", деди. Пайғамбар алайҳиссалом, "Сен уни ғийбат қилдинг", дедилар. "Нима деган бўлсам, ундаги бор нарсани айтдим-ку", деди завжаси. Пайғамбар алайҳиссалом "Сен ундаги энг ёмон нарсани айтдинг", деган эканлар. Демак, бирон киши тўғрисида сўз борганда, қайси ҳолатда ғийбат бўлишини билиб олинса, ҳам ўша кишининг кўнглини оғритадиган сўздан тийилса, ҳам ундаги мавжуд камчилик ёки нуқсонни бошқаларга ошкор қилмайди. Қолаверса, бундай нуқсон унга Яратган зот томонидан берилган. Ҳар қанча уринса ҳам, уни тузатиш мушкул. Шунинг учун ҳам бировнинг насл-насаби, хулқ-атвори, кийиниши, феъл ва сўзидаги айб-нуқсонни ўзидан бошқаларга айтиб юриш жуда хунук одат. Пайғамбаримиз замонларида ғийбатни дарҳол пайқаб олишар экан.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айримлар ҳамма гап-сўзимиз ғийбат бўлаверса, унда оғзимизни юмиб юришга тўғри келмасмикан, дея эътироз билдириши ҳам мумкин. Бунга шундай жавоб бериш мумкин: ғийбат маълум шахсга қаратилгандагина ғийбат тусини олади.

**O`git**

Агар бир шаҳар халқи ёмон деб зикр қилинса, бу ғийбат бўлмайди. Чунки уларнинг орасида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам бор. Бундан у одам ҳаммани назарда тутмагани билинади. Аммо шу ишни ҳам қилмаслик маъқул. Илгари икки киши — очиқ гуноҳ қилувчи ва бидъат соҳиби хусусида гап-сўз қилинса, ғийбат ўрнига ўтмайди, дегангар. Шунда ҳам уларнинг ишлари ва тутган йўллари гапирилиб, баданига тааллуқли бирон айби тилга олинмаган. Шунинг учун ҳам ғийбатдан тийилиш ҳар қандай кишидан ўзига хос сабр-тоқатни талаб қилади.

Айтишларича, тожу-тахтдан воз кечиб, дарвешлик кулоҳини кийган Иброҳим Адҳам бир куни меҳмонга борибди. У даврага келиб ўтиргач, ёнидагилардан бири фалончи келмади деди, иккинчиси эса фалончи семиз, оғир, деди. Шунда Иброҳим Адҳам дарҳол ўрнидан турибди-да, "мусулмон ғийбат қилинган пайтда қорним тўйди", дея уйдан чиқиб кетиб, уч кунгача овқат емабди.

Бугунги кунда ҳам кишилар хулқ-атворида яхши-ю ёмон хислат бир-бирига шунчалик аралашиб кетганки, уларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мушкул. Жумладан, хоҳ оламдан ўтган бўлсин, хоҳ ҳали тирик бўлсин, муайян шахсни кўз билан имо-ишора қилиш, бош ирғаш, бошқа хатти-ҳаракатлар ҳамда ёзма шаклда ғийбат қилиш ҳам ноҳақлик, бировнинг ҳақ-ҳуқуқига нисбатан ҳурматсизлик саналади. Жамиятда соғлом муҳитни яратиш ва ўзаро меҳр-оқибатни вужудга келтириш бир жиҳатдан қараганда катта иллатлардан воз кечиш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ бўлиб кўринса-да, лекин унинг асл илдизи ва таг-томири бизнинг кўзимизга арзимас ва ҳақир кўринган иллатлар билан боғланиб кетганини ёддан чиқармаслик керак. Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ғийбат шундай жирканч иллатки, инсон қалби ундан фориғ бўлолмас экан, уни ҳали маънавий соғлом ва баркамол дейишга анча эрта.

**Баҳодир СУЮНОВ,**
**Бобомурод ЭРАЛИЕВ**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Falsafa va qonun**

# DJON LOKK: САМАРАЛИ КЕЧГАН ҲАЁТ



***Фалсафа тарихига Жон Локк дунёни эмперик-моддиюнчасига билишнинг асосчиси сифатида кирди. Яна у эътиқод эркинлиги ва диний чидамлилик қарашларини ишлаб чиққан назариётчи сифатида ҳам алоҳида ўрни тутади. У ўз даврининг фарзанди эди, шу боисдан ҳам унинг фалсафадаги янги қарашлари у мансуб бўлган ўрта асрлар тарихига, нафақат бу давр, балки Уйғониш даври Англияси ва бутун Оврупа тараққиётига муҳим таъсир ўтказа олди.***

***Локк дунёқарашининг ядросини сенсуалистик қарашлар ташкил этарди. Унинг бой фикрлари эътиқод ва билимга қаратилган бўлиб, бу масалаларни у айро кўрмас, уларни ҳамиша бир бутунликда, яхлитликда ўрганишни ўзининг бош мақсади қилиб олганди.***

Буюк алломанинг ҳаёт йўли 1632 йилда Сомерсет графлигига қарашли бўлган Рингтон шаҳрида бошланди. У майда суд амалдори бўлган Жек Локк хонадонида дунёга келди. Унинг отаси қирол Карл I Стюартга қарши турган парламент тарафдори бўлиб, Бристол яқинидаги жангда иштирок этади. Бу пайтда бўлғуси файласуф ўн ёшда эди. Бу кураш натижасида қирол мағлубиятга учрайди ва 1653 йилда Оливер Кромвел олий протектор сифатида ҳокимиятни ўз қўлига олади.

Жон Локк ана шу йиллари Вестминстер роҳиблик мактабида таҳсил оларди. Кейин у Оксфорд дорилфунунига ўқишга кирди. Ҳаётининг кейинги қарийб ўттиз йили ана шу ўқув даргоҳида кечди. Оксфорд ана шу йиллари пуританлар қўлига ўтса-да, мазкур даргоҳда айрим мутаассиб қарашлар ҳукм сурарди.

Локкни диний қарашлардан ҳам кўра дунёвий фанлар қизиқтирар, шу боисдан ҳам у аниқ фанлар ва тиббиётни ўзига муносиб илм деб билди. Ҳали дорилфунун талабаси бўлмай туриб у Роберт Бойл билан танишди ва унга кўп тажрибаларида ёрдамчилик қилди. Бранденбург саройидаги қисқа дипломатик фаолиятдан сўнг Локк Оксфордга қайтади, лекин дорилфунун уни тиббиёт профессори сифатидаги ўрнини тан олмай, уни ишга қўймайди. 1667 йилда лорд Антони Шефтсбери уни ўз оиласига табиб ҳамда фарзандларига муаллим сифатида ишга қабул қилади. Шунинг учун ҳам Локк Лондонга кўчиб ўтади. Локкнинг бу оилага қадами ёқиб, граф Шефтсберини қирол Карл II ўз саройига чақириб, йилдан-йилга унинг мансаб даражасини оширади. Бир неча йилдан сўнг у Англия лорд-канслери даражасигача кўтарилди. Графнинг оиласига кўплаб сиёсатдонлар, илм одамлари йиғилишар, улар ўртасида Локкнинг ҳам нуфузи орта бошлади. Кейинчалик у ўз ҳомийси Шефтсберининг набирасига фалсафадан дарс бериб, унинг энг ишончли устозига айланди. Граф Антони Шефтсбери уни ўз маслаҳатчиси этиб тайинлайди.

Ана шу йиллари Локк қисқа муддатга Франгистонга келади. У схоластик-ақидапарастик фалсафаси ўз даврини ўтаб бўлди деган хулосага келиб, ўзининг "Тажрибалар" асарини яратади. Унинг қарашларига қизиққан, ўзларини моддиюнчи-сенсуалист Пьер Гассенди шогирдлари деб билган де Лонэ ва Франсуа Бернье билан учрашади.

1679 йилда Локк Англияга қайтади. Бу пайтда мамлакатда сиёсий курашлар авжида эди. Антони Шефтсберининг аҳволи дам яхшиланар, дам эса атрофидагиларнинг фитналари оқибатида ёмонлашарди. Унинг ишлари олға силжиганда Локкнинг ҳам фаолияти юришар, граф ишдан олиниб Тауэрга қамалганда, Локк ҳам истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

1684 йилда Карл II нинг фармони билан Локкни Оксфорд дорилфунунидан бутунлай ҳайдашди. У мамлакатдан ҳам сургун қилиниб, Голландияга кетишга мажбур бўлди. Юз йилликнинг охири Локк учун нафақат сиёсатда, балки ёзувчи-назариётчи, файласуф сифатида ҳам омади келган йиллар бўлди. Ана шу йиллари у "Қонун ҳақидаги фикрларим" китобини ёзиб тугатади. Кейинги ўн йилликда қироллик ҳокимияти орқага чекиниб, парламент ҳокимияти ривож топа бошлаган эди. Бу жараён файласуфни бефарқ қолдирмади. У "Диний келишувчанлик борасидаги тажрибалар" рисоласини ёзиб тугатди. Кейинчалик у "Диний чидамлилик ҳақидаги мактуб" мақоласини ёзиб инглиз, француз тилида чоп эттиради. 1689 йилнинг кузида ношир Т. Бассет Локкнинг "Инсон тафаккури борасидаги ҳақиқат" китобига харидор бўлиб, уни кўп нусхада нашрдан чиқаради. Бу китобга муаллифнинг "Давлат бошқаруви ҳақидаги икки трактат" ва "Ҳукумат борасидаги ўй-мулоҳазалар" рисолалари ҳам киритилганди.

1691 ва 1695 йилларда Локк Оврупа иқтисодига оид иккита мақола эълон қилади. Улардан бири "Давлат томонидан нархнинг пасайтирилиши ҳақидаги айрим мулоҳазалар" деб аталган бўлиб, бунда у давлат томонидан бундай ижобий ҳодисанинг амалга оширилиши нафақат фуқаролар, балки хусусий мулкчиликнинг ҳам ривож топишига олиб келади ва сиёсий иқтисоднинг ҳам тараққиётига эришувда омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди.

XVII асрнинг 90 йилларида Локк педагогикага, ахлоққа оид бир неча битиклар ёзади. Улардан бири "Таълим-тарбия хусусида айрим фикрлар" бўлса, иккинчиси "Ишчи мактаблари"дир. У бу ёзувларида таълим-тарбия келажак авлоднинг шаклланишда, жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиши ҳақида ёзаркан: **қуш уясида кўрганини қилади, деб ўтирмасдан, болалар тарбиясига ўша жамият ҳам муҳим таъсир кўрсатиши лозим, акс ҳолда бу жамиятнинг пойдевори омонат бўлиб қолиши ҳеч гап эмас",** деган бир хулосага келади ва бундай нарсаларга жиддий қарашда "Ишчи мактаблари"нинг ўрни бўлакчадир, деган ғояни илгари суради.

Локк дунёқарашини тўғри тушуниш учун унинг "Табиий фалсафа унсурлари" қўлёзмасини таҳлил этиш лозим. У донишманд ҳаётининг сўнгги даврини тўлиқ акс эттиради. У бу ёзувни Отсда яшаган йилларида ёзади. Унда донишманднинг табиатга, дунёнинг қурилишига, инсон руҳий оламига, умуман инсон табиатига ўзига хос тарзда қараганини кўриш мумкин. Яъни у инсон онгида, инсон шуурида пайдо бўладиган оддий ғоялар ҳақида фикр юритиб, **"Табиатда барча нарса шундай қурилганки, ҳаммаси бизнинг сезгиларимизга таъсир этиб, қалбимизда қандайдир бир таассуротларни уйғотади, бу таассуротлар эса ўз навбатида онг-шууримизда "ярқ" этган ғоя, фикрлар туғилишига сабаб бўлади"**, дейди.

1691 йилдан Локк Лондон яқинидаги Отс мавзесига бутунлай кўчиб келади. Бу ердаги қўрғон лорд Мешэмнинг иккинчи хотини Дэмерисга қарашли эди. У файласуфга хайрихоҳ аёл бўлгани учун ўз ўғли тарбиясини унга топширади. Фалсафага қизиққан бу аёлнинг воситачилигида Локк ўша даврнинг таниқли файласуфи Лейбниц билан ёзишмалар орқали баҳслашиб, ўз қарашларини унга маълум қилади ва Лейбниц таълимотидаги мусбат-манфий томонларига ҳаққоний баҳони беришга уринади. Шу йиллари донишманд "Сўзлар ва умуман нутқ ҳақида" деган битикларини ёзиб, унда: **"Тангри одамларни шундай бир неъмат билан яратганки, бу неъмат одамзодни гоҳ улуғ бир поғонага олиб чиқиши мумкин, гоҳида эса тубанлик жарига улоқтириб юбориши ҳеч гап эмас. Шунинг учун инсон ўзига берилган бу неъматдан оқилона фойдалана билиши лозим. Акс ҳолда аҳволи нима кечишини ўзи ҳам билмайди"**, деган бир хулосани чиқаради.

Ҳаётининг сўнгги йилларида ҳам Р.Кодворт, Г.Мор, Ж.Гленвиль, Р.Корпантер, Р.Саут, Д.Сержент, Ж.Смит, Гобсс, Лейбниц қарашларига ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган, билдиролган донишманд ўша давр Оврупасида ўз ҳамюрти Ф. Бэкондан кам бўлмаган обрў-эътибор топди, сермаҳсул ижод қилиш бахтига муяссар бўлди. У нафақат фалсафага, балки қонуншунослик, математика, физика фанларига ҳам кучли, ижобий таъсир кўрсатолди. Уни "ўз даврининг Ньютони" дегувчилар ҳам бўлди. У қонуншуносликка, инсоншуносликка, фалсафага, давлатчиликка машҳур математикдан кам бўлмаган хизматни қилиб улгурди.

Жон Локк 1704 йилнинг 28 октябрида дунёдан кўз юмди. Аммо мана тўрт асрдирки Локк фалсафаси, қарашлари, у яратган таълимот эскиргани йўқ, аксинча, донишмандга бўлган қизиқиш йилдан-йилга кучайиб бормоқда. XXI аср авлоди ҳам ўзлари учун бу алломани қайта кашф этса, ажаб эмас...

**Аббос САИД**









*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эътиқод эркинлиги қарор топди. Бу эса халқимиз маънавий ҳаётида туб бурилиш ясади. Улар одамлар нигоҳи, фаолияти ва яшаш тарзида мужассам.*

**Ajab savdolar**

# ХУСУСИЙ АВТОБУС: У ҚОНУНДАН ЧЕТДАМИ?

**РАҚОБАТ**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, хусусийлаштириш, мулкдорлик ва тадбиркорликка кенг йўл очилди. Давлат жамоат транспорт воситалари билан хусусий транспорт воситалари ўртасидаги рақобат анча кучайди. Тошкент шаҳри билан мамлакатимизнинг олис туманлари оралиғида қатновчи хусусий автобуслар ниҳоятда кўпайганлиги ҳам бу фикримизни исботлайди. Хусусий автобуслар қатнови одамлар оғирини енгил, узоғини яқин қилаётганлиги ислоҳотларимиз самараси, албатта. Бундан фақат қувониш керак.

Энг асосийси, Конституциямизда ҳар бир фуқаронинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги кафолатланган. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, дейилади Бош Қомусимизнинг 54-моддасида. Шу билан бирга мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Асосий қонунимиздаги хусусий мулкчиликка, тадбиркорликка доир амалдаги қатор қонунларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Аммо ҳамма гап ана шу қонунларга оғишмай амал қилишда. Қуйида ана шу мавзуда фикр юритамиз.

**ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА**

"Чилонзор буюм бозори"нинг кун ботар қисмига ўтсангиз, Қарши, Термиз томонларга, бироз нарироққа юрсангиз, Самарқанд, Бухоро, Хоразм воҳаларига қатновчи хусусий автобусларга кўзингиз тушади. Ана шу ерда қўноқ топган хусусий автобуслар яқинига борсангиз, тартиб деган нарсани кундуз чироқ ёқиб тополмайсиз. Ҳар бир автобуснинг эгаси яқинлашган йўловчини ўз транспортга чорлаб, бири у томонга, иккинчиси бу томонга судраганисудраган.

Бир аёл иккита хўжалик сумкасини кўтариб автобуслар турган жойга яқинлашганча ўттиз ёшлардаги барзанги йигит "Опажон, қайга борасиз", дедию борар манзили Қоракўл эканини эшитгач, аёлнинг қўлларидаги сумкаларига ёпишди. Барзанги унинг ҳайҳайлашига қарамасдан олдига тушиб юкларини "Бухоро" ёзуви битилган автобусга қараб судрашга тушди.

— Нега ундай қиласиз ука? — дея норозиланди аёл. - Ана, Қоракўлга қатнайдиган автобуслар бор экан-ку!

- Бизнинг автобус ҳозир жўнайди. Қоракўлники кечгача туради, — деб жавоб қайтарди бошқа йигит.

Автобус ҳайдовчисининг дастёри кўп экан, опани алдабсулдаб ўзлари билан кетишга кўндиришди.

Кўринишларидан талабалар бўлишса керак, иккита қизни бошқа бир "дастёр" яхши жой ваъда қилиб салонга чиқарди. Ваъда қилинган ерга бошқа йўловчилар жойлаштирилгани боис талаба қизлар орқага ўтишга мажбур бўлдилар.

Ёшгина жувоннинг қачон кетамиз, деган саволига ҳайдовчи истеҳзо билан шундай жавоб қайтарди:

— Борасиз-да, куёв боланинг ёнига! Бироз гурунг бермайсизми?

Бечора жувон бу гапдан қипқизариб кетди... Лекин андиша қилди шекилли, ботиниб ҳеч нарса дея олмади.

Бир автобусга уч ҳайдовчи, уларнинг ёнида яна шунча дастёр. Дастёрларнинг вазифаси автобусга йўловчи топиш ва ўзларининг тили билан айтганда, "закалат" йиғиш. "Закалат"нинг нархи икки юз сўм. У нимага керак дейсизми? "Закалат" бўш-боёв йўловчини топиб бошқа автобусга ўтиб кетмаслиги учун аввалдан олинадиган ҳақ. Агар йўловчи бошқа автобусда кетмоқчи бўлса "закалат"ни қайтариб олиши амримаҳол. Эрталаб соат 10 ларда "Мерседес"га одам чиқариш бошланган эди, уч соатдан сўнг соат 13 да автобус йўлга чиқди. Ҳозир жўнаймиз деб йўловчиларнинг шунча қимматли вақтини ўғирлашни нима билан изоҳлаш мумкин?..

**ЙЎЛДАГИ МАШМАШАЛАР**

Йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатишни бот-бот ваъда қилган ҳайдовчилар бепарволик тўнини кийиб олишди. Автобус бир соатда 50 километрдан зиёд йўл босмади. Салондагилар тезликни оширишни бири қўйиб, бири сўрашади. Йўловчиларнинг асаблари таранглашди. Жиззахга етгунга қадар ёқилғи қуйиш учун икки марта тўхталди. "Мерседес"нинг сирти ялтироқ, ичи қалтироқ экан, Самарқандга келгунча уч марта тузатишга тўғри келди. Оқдарё тумани ҳудудида "ДАН" масканида йўл патрул хизмати ходимлари тўхтатиб, текширишганда ҳайдовчининг гувоҳномаси йўқ эканлиги маълум бўлди.

— Қачон қараманг, аҳвол шу, — дейди йўловчи М.Ғаффорова куйиниб. — Одамлар билан автобус ўриндиқларини тўлдиргунча ўзларини роса «реклама» қилишади. Чўнтаклари қаппайса бўлди, одамлар ярим тунда кўчада қолиб кетиши билан сариқ чақалик ишлари йўқ...

Хуллас, камина автобусдан тўққиз ярим соат деганда манзилда тушиб қолдим. Бухорогача автобус яна 175 километр йўл босиши зарур. Агар ана шу тезликда юриб турса, ярим кечада Бухорога етиб боради. Қоракўлга кетиши керак бўлган аёл бояқишнинг аҳволи нима кечади? У қишнинг аёзли тунида тонг отгунча бекатда ўтириши лозим.

**"ПАТЕНТИНГИЗ БОРМИ?"**

Агар сиз айрим хусусий автобусларга чиқиб шу саволни берсангиз, ҳайдовчи олазарак бўлишга тушади. Саволни бежиз келтирмаяпмиз. Хусусий автобусларнинг патент тўлаган-тўламаганлигини назорат қиладиган идоралар бор. Бу — уларнинг иши.

Бир гал Навоий шаҳридан келаётган "Икарус" русумли автобусга чиқмоқчи бўлдик. Автобус энди жойидан қўзғалганда, текширувчилар текшириб қолишди. Маълум бўлишича, давлат хазинасига бир сўм ҳам патент тўламаган экан. Қонун бузганлигини ҳужжатлаштиришга қарийб бир соат вақт кетди.

Албатта, бу ерда хусусий автобус эгаси айбдор. У ўзининг Конституциявий бурчига амал қилмаган.

**Тартибга солиш мумкин. Фақат...**

Йўловчи — истеъмолчи! Истеъмолчи ҳуқуқи қонун билан қўриқланади. Баён этилган манзаралар фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини поймол этиш эмасми? Қолаверса, барча фуқаролар қонунларга риоя қилиши, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурлиги асосий қонунимизда кафолатланган.

Хусусий автобус ҳайдовчилари ҳам бундан мустасно эмас. Автобусга чиқаётган ҳар бир йўловчи йўлда транспорт воситасининг бузилиб қолиш-қолмаслигини, патенти бор-йўқлигини, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатлари тўлиқлигини сўраб ўтирмайди. Шундай экан, хусусий автобусларда санаб ўтилган ҳолат юз бериб, одамлар кайфиятини бузилмаслигига, ундан ҳам бурун ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилмаслигига эришишнинг ягона йўли ҳайдовчилар устидан назоратни кучайтиришдир. Хусусий автобусларнинг Тошкентдаги манзилида ва жойлардаги шоҳбекатларда навбат ташкил этилса ва у доимий назоратда бўлса, асаббузарликларга барҳам берилардиди! Қолаверса, ҳайдовчиларни муомала маданияти, маънавияти ва масъулиятининг жавобгарлиги кимнинг зиммасида бўлиши керак? Ана шунга ўхшаш муҳим масалалар ҳақида ўйлаб кўриш мавриди етмадикин?!

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Мақолада таъкидланганидек, юртимизда хусусийлаштиришга, тадбиркорликка кенг йўл берилган. Хусусий автобуслар хизмати қонунга мос бўлиб, йўловчилар ҳақ-ҳуқуқи поймол этилмаса, эътирозга ўрин йўқ. Мақола кўтарилган муаммолар юзасидан таҳририят тегишли идоралар мутасаддиларидан жавоб кутади. Биз бу мавзуга яна қайтамиз.*

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2003 йил 28 январдаги 10-0304\255-сонли ҳал қилув қарорига асосан давлат бюджетидан қарздор "MUS-SAVDO" хусусий фирмаси бўйича ишончли шахс этиб Т.Саидов тайинланган.**
**Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади.**
**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 15-хона. Телефон: 137-51-75**

**Izhor**

# МУҲРЛАНАЁТГАН ҲАЙРАТ



Муқаддас китобларда ёзилишича, олам, теварак-атрофимизни ўраган барча мавжудотлар илоҳий мўъжиза ила бунёдга келган. Инсон боласи ҳақида ҳам шу гапни айтса бўлади. Зеро, комилликка ва ўтган , ўтаётган умрини англашга интилган ҳар бир инсон дунё мўъжизаларидан ҳайратланаверади. Бунинг учун эса теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларга қалб кўзи билан боқиш лозим. Ана шундагина уларда акс этган ҳикмат ва фалсафани илғаш мумкин бўлади. Дунёни бундай идрок этиш усули санъат асосини ташкил этади. Шу боис ҳар қандай санъат турфа олам мўъжизаларидан ҳайратланишдан, ҳайратлана билишдан иборат бўлса, ажаб эмас. Бундан минг йиллар бурун қадимги юнон шоири Софокл ҳайрат ва завқ ўлса, инсон ҳам ўлади, деб айтганида шу жиҳатларни назарда тутганлиги шубҳасиздир.

Таниқли фотоустаси Абдуғани Жумаевнинг ижодини кузатган киши кўнглида ҳам ҳайрат туйғуси жўш уради. Чунки унинг суратларида ана шу туйғу қоғозга муҳрланган. Агар суратда суратчи қалби ва нигоҳи акс этмаса, у қуруқ тасвирдан бошқа нарса бўлмай қолади. Абдуғани Жумаевнинг фотосуратларида шундай ҳолатлар акс этганки, уларда санъат ва фалсафа уйғунлашиб кетган. Ўз қиёфасини яхши биламан деб юрган киши ҳақиқий уста туширган суратини кўрса, шубҳасиз, ҳайратга тушади. Чунки Абдуғани ака сурат предметининг ўзига хос жиҳатларини илғайди ва уни фотоқоғозга кўчиради. Бу эса суратчининг истеъдоди ва маҳоратидан далолатдир. Буни англаш ва кўриш учун фотоустасининг матбуотда, хусусан, газетамизда чоп этилган ишларига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Албатта, матбуотда чоп этилган суратлар ўзбек фотосанъати, қолаверса, Абдуғани Жумаев ижодининг даражасини белгиламайди. Шундай бўлса-да, газетамизни безаб турган суратлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Чунки уларда ҳақиқий уста, таъбир жоиз бўлса, фоторассомнинг меҳнат ва истеъдоди ўз аксини топган. Шу боис таҳририят аъзолари ана шундай ажойиб, чарчоқ билмас, тиниб-тинчимас, жонкуяр фотоустаси билан бирга ишлаётганларидан фахрланишади. Не тонгки, Абдуғани Жумаев роппа-роса эллик ёшни уриб қўйибди!

Ана шу ёшни қаршилагунча Абдуғани Жумаевнинг мамлакатимиз газета-журналларида неча юзлаб маҳорат билан ишланган суратлари босилиб чиқди. Бу суратларда Абдуғани ака жўшқин ҳаёт, оддий одамларнинг турмуш тарзи, ўй-фикри, қувончу ташвишларини акс эттиришга уринди ва бу уринишлари зое кетмаганини газетхонлар, журналхонлар ва кўплаб қалам аҳли эътироф этиб келмоқда. Шу ўринда тиниб-тинчимаслик Абдуғани аканинг ҳаёт мазмунига айланганини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир.

Ана шундай фараҳбахш кунда биз дўстлари, ҳамкасблари кўп сонли муштарийлар номидан уни муборакбод этиб, соғлик-омонлик, оилавий бахт-саодат, келгусидаги ишларига ривож тилаймиз. Қалбини ҳайрат туйғулари ҳеч қачон тарк этмаслигини истаб қоламиз.

**ТАҲРИРИЯТ**

**ИНСОН ва ҚОНУН**
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: **Шодиқул ҲАМРОЕВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: **Жаъфар ЖАББОРОВ**
Навбатчи: **Бобомурод РАЙИМОВ**

**Индекс: 646882**
**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

**МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50**